

МАЪНАВИЙ ПОКЛИК – инсон маъ-ятининг гўзаллиги, бойлиги, теранлиги, покизалигини тақозо этувчи, эзгу маънавий фазилатлар мажмуини ифодаладиган т. М.п. инсон дунёга келганидан то сўнгги нафасигача маънавий жиҳатдан қандай яшаб ўтиши кераклиги билан боғлиқ бўлган билимлар, тажрибалар, тасаввурлардан таркиб топади. Халқимиз минг йиллар мобайнида юксак маъ-ят ва эзгу ахлоқ шарт-шароитлари негизда тарбияланиб келгани боис, бизнинг бу борадаги т., тасаввур, билим ва тажрибаларимиз покиза турмуш тарзини белгилаб келган. Зеро, М.п. энг аввало, эзгулик ва маънавий покликдан таълим беради. Кундалик турмуш тарзидаги оддий тозалikka риоя этиш (ҳовли-жой, яшайдиган, овқатланадиган, ўтириб-турадиган хоналаримиз озодалиги), ҳар қандай юмушнинг мукамал адо қилинишигача ўтадиган вақт мобайнида бизга поклик-покизалик, озодалик, саранжом-саришталик т.си асос бўлади. Шундай экан, бизнинг ташқи озодалигимиз ўз-ўзидан ички (маън-й) озодаликни, покликни тақозо этади. Бинобарин, халқимизнинг пок ниятли бўлиши, ниятни эзгуликдан бошлаб то якунигача, (мукамал адо қилгунича) покизаликка риоя қилиб келганлиги замирида ҳам тоза, пок ҳаёт нафаси мавжудлиги, ҳар қандай ишда адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, ишонч-эътиқод каби т.ларга таяниши бошқалардан ҳам шуни талаб қилиши бежиз эмас. Минг афсуски, сўнгги юз-юз эллик йиллар мобайнида юртимиз мустамлака ҳолатига тушиб қолгани, ҳаёт тарзимизда социализм, коммунизм, даҳрийлик каби бузғунчи ғоялар ўрин олгани сабабли, маъ-ятимиздаги минг йиллик тарбиявий омилларга ҳам дарз кетди. Хус-н, покизалик, ҳалоллик, ишонч-эътиқод туйғулари ўз ўрнини ўғрилиқ, ҳаром-ҳариш ишлар, фахш ва разолат, ўзаро ишончсизлик, таъмагирлик, порахўрлик каби ғайриинсоний иллатларга бўшатиб бера бошлади. Мам-тимиз мустақилликка эришганидан сўнггина халқимиз, миллатимиз ўзлигини англаш, аждодларимиз амал қилиб келган маънавий пок, озода ва гўзал турмуш шароитларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Мам-тимизда маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, халқни — халқ, миллатни — миллат қиладиган инсоний фазилатларга қайтиш, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган асл урф-о.лар, фазилатлар, эзгу ғояларга таяниб яшашимиз лозимлиги ҳаётимизнинг асосий тамойилига айланди. Эндиликда ёшлар тарбияси, таълим соҳаси, турмуш тарзимизда эзгулик ва покликка эътибор кучайди. Президент И.А.Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра доно, ақлли, билимдон ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган даъватида ана шундай эзгу ғоялар мужассамлашган. Дарҳақиқат, мустақил Ўз-н жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллаган ҳозирги даврда М.п. билан боғлиқ азалий қадриятларимиз, миллатимиз ғурури ва шаънини тиклаш, халқаро муносабат ларда мам-т обрўини янада баланд кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бунда халқимиз менталитетига хос бўлган эзгу қадрият – М.п. сингари ноёб фазилатларга, – бағрикенглик, тенглик, тинч-тотувлик, биродарлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, покизалик, адолатпарварлик ва ишонч-эътиқод каби асл миллий хислатларга суяниб иш тутиш турмуш тарзимизнинг бош мезонига айланиб бормокда.